

# МУСТАҚИЛЛИК ЖУҚУҚ ДЕМАҚДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ - ПИРОВАРД МАҚСАДИМИЗ

Ўтган йилнинг декабрь ойида сайланган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 22 январь куни Тошкентда ўз ишини бошлади. Парламент биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов иштирок этди. Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, чет давлатларнинг элчилари ва дипломатик корпус вакиллари, хоржий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи йиғилишини Марказий сайлов комиссияси раиси Н.Комилов очди.

*Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиши, фуқаролик жамиятининг мустақкам пойдеворини шакллантиришдан иборат.*

*Бу - лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш.*

*Мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари қафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминланадиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демақдир.*

*Шу билан бирга, биз халқимизнинг асрий олижаноб анъаналарига, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятига, миллий қадриятларимизга доимо содиқ қолишимиз демақдир.*

(Президент Ислоом КАРИМОВнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасидан)

Депутатлар парламент биринчи йиғилишининг кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлисга ўтказилган сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборот юзасидан Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов сўзга чиқди. У сайланган депутатларни кизгин табриқлаб, қонунчилик фаолиятида уларга муваффақиятлар тилади.

Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига расмий киришиш маросими иккинчи чақириқ парламенти ишидаги тарихий онлар бўлиб қолди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси залда ҳозир бўлганлар номидан Ислоом Каримовни юксак ва масъулиятли лавозим - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланганлиги билан кизгин муборакбод этди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислоом Каримов қасамёд қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов депутатлар олдида маъруза қилди.

Депутат Э.Халилов яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Раиси этиб сайланди.

Шундан сўнг сессияга Э.Халилов раислик қилди. Унинг таклифига биноан Б.Бугров ва Ф.Мухитдинова Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари этиб сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 84-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Раисининг ўринбосарларидан бири Қорақалпоғистон вакили - Олий Мажлис депутати бўлади. Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Олий Мажлис депутатларининг тавсиясига биноан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов Олий Мажлис Раисининг ўринбосари этиб сайланди.

Ишчи гуруҳи раҳбари А.Турсуновнинг таклифига биноан Олий Мажлис парламент кўмиталари ва комиссияларининг таркибий тuzилмасини тасдиқлади.

Йиғилиш сўнггида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов нутқ сўзлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи йиғилиши ўз ишини якунлади. Олий Мажлисининг биринчи сессияси қисқа муддатли танаффусдан сўнг ўз ишини давом эттиради.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

## ОЛДИНДА - ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари ўтган 1999 йилда қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси назоратини ташкил қилиш борасида «Прокуратура тўғрисида»ги қонун, Республика Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида прокурор назоратини таъминлаш, унинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини оширишга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Асосий эътибор 1999 йилнинг 16 февралда содир этилган мудҳиш воқеалар, халқаро диний экстремизмининг хуружи кучайганлиги муносабати билан терроризм ва диний ақидадарастлик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг тўлиқ фош этилишига, ватанфуруш жиноятчиларга жазо муқаррарлигини таъминлашга, айниқса вояга етмаган ёшларимизни уларнинг тазйик ҳамда таъжовуларидан қатъий ҳимоя қилишга қаратилиб, бу масалаларда муросасиз кураш олиб борилди.

Пойтахт прокуратураларининг умумий назорат фаолияти «Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги қонун талабига оғишмай риоя қилинган ҳолда олиб борилмоқда. Умумий назорат йўналишида текширишлар сони камайтирилиб, асосий эътибор уларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилмоқда. Ушбу текширишлар самарадорлиги 1998 йилда 10,5 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 15,5 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот йилининг бошида шаҳарда муддати ўтган дебиторлик қарзлар 24 млрд. сўмни, кредиторлик қарзлари 40 млрд. сўмни, иш ҳақи бўйича қарзлар эса 25 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткичларни сезиларли даражада камайтиришга эришилди, яъни мос равишда 8,8 млрд. сўм, 34,2 млрд. сўм ва 405 млн. сўмни ташкил этди.

Бирок бу борада қилинган ишларга танқидий кўз билан қараб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўлов интизоми тўғрисидаги фармонлари ижроси юзасидан амалга оширилган фаолият етарли бўлмаганлиги натижасида қорхона, ташкилотларнинг муддати ўтган дебитор ва кредиторлик, иш ҳақидан қарзлари микдори юқорилигича қолаётганлигини жиддий таҳлил

қилиш ҳамда жорий йилда мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар келтираётган, фуқароларнинг қўплаган норози бўлишига сабабчи бўлаётган қорхона, жамоа раҳбарларининг фаолиятини қаттиқ назоратга олиш, ўзаро ҳисоб-китобларнинг вақтида ҳал қилинмаслиги, иш ҳақлари тўланмаслиги сабабларини доимий ўрганиб, қатъий прокурорлик таъсир чораларини кўриб бориш лозим.

1999 йилнинг 1 декабр ҳолатига кўра шаҳар бўйича бир неча мингдан зиёд фаолият кўрсатмаётган, 150 дан ошиб доимий зарар кўриб ишлаётган қорхоналар мавжудлигини инobatга олиб, туман прокурорлари томонидан банкротлик, тадбиркорлик тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан сифатли текширишлар ўтказиб, уларнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолиш сабабларини, бюджет билан муносабатларини атрофлича таҳлил этиб тегишли таъсирчан чоралар кўриш талаб этилди.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, ички ишлар вазирлигининг амалий ёрдами билан шаҳарда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ўта оғир жиноятлар, жумладан, одам ўлдириш, баданга оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, товламачилик, автоуовларни ўғирлаш жиноятлари содир этилишини камайтиришга муваффақ бўлинди.

Олдинги йилларда содир этилиб, очилмай қолган қотилликлардан 32 таси фош этилиб, жиноятчилар қилмишларига яраша жазога тортилдилар. Жиноятчиларни қидириб топшига қаратилган тадбирлар кучайтирилиб, қатъий прокурорлик таъсир чоралари қўрилиши натижасида кейинги икки ярим йил мобайнида жиноят содир этгандан сўнг қочиб кетган бир неча зулоф нафар (Давоми 2-бетда)

Ушбу сонда:

3  
БЕТ

### СУД ИСЛОҲОТИ: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Суд жазоловчи органдан одий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим.

7  
БЕТ

### БОСҚИНЧИЛАР

Пойтахтда фаолият кўрсатиб, қатор оғир жиноятлари содир этган уюшган жиноий гуруҳ фаолиятига нуқта кўйилди.

8  
БЕТ

### ЮТУҚЛИ КРОССВОРД

- Назм бекати
- Юлдузлар ҳаёти
- Бир чимдим кулгу



МУЛОҲАЗА

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши суд-хуқуқий ислохотларни амалга оширишнинг янги истиқболли даврини бошлаб берди. Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг VI сессиясида таъкидлаб айтганидек, Ўзбекистонда хуқуқий ислохотларнинг асосий ғояси судларни ҳокимиятнинг мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида тиклашга қаратилди. Суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ-тартибни муҳофаза қилиш органларнинг фаолиятида асосий мазмунга айланиши керак. Суд жазолашчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим.

нинг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийлиги; судлов ишларини олиб боришда миллий тил принциплари ривож этилиши; тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахслар таржимон билан айбланувчи эса ҳимояланиш

ралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ноқорчилиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қулайтириш тўғрисида»-ги Фармонларининг аҳамияти каттадир.

ди. Ҳамма давлат ва бошқа муассасалар суд органларининг мустақиллигини ҳурмат қилишга ва ривож қилишга мажбурдир.

Суд органлари уларга берилган ишларни далиллар асосида ва тегишли қонун бўйича қайси томондан ва қандай сабаб бўлишидан қатъий назар ҳеч чеклашсиз, ҳуқуқга хилоф бўлмаган ҳолда, мажбуриятсиз, қўрқитиш ёки аралашувсиз тўғридан-тўғри ҳал қилади. Суд органлари судлов тусидаги ҳамма масалалар бўйича ваколатга эга бўлиб, унга қонунда белгиланган доирада берилган ишларни мутлақ ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Одил судлов жаравига ҳуқуқга хилофлик ёки санкция билан боғлиқ бўлмаган аралашувнинг бўлиши мумкин эмас, суд томонидан чиқарилган қарорларни қайта

# СУД ИСЛОХОТИ:

## СУД ТИЗИМИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ, ХУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Суд тизimini ислох қилиш, аввало ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши керак.

Фақат шундай қилганда ҳозир судни жазолашчи орган деб биландиган одам судга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини ҳимоя қилиш лозим бўлган орган сифатида мурожаат қиладиган бўлади. Ана шундагина суд ҳокимиятнинг ҳақиқий мустақил учинчи тармоғига айланади.

Бу борадаги муаммоларни ҳал қилиш, суд - хуқуқий тизimini ислох қилиш бўйича таклифларни тайёрлаш учун Олий Мажлис ҳузурида — парламентдаги доимий ишлайдиган ваколатли комиссия томонидан суд тизimini ислох қилиш бўйича Миллий дастурнинг андозалари ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис томонидан унга қонун туси берилиб қабул қилиниши мамлакатимизда суд-хуқуқий ислохотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоният ҳам ўзининг кўп йиллик тарихи мобайнида қонун ва суднинг жамиятда тутган ўрнига катта аҳамият бериб келаятгани бежиз эмас. Абу Али Ибн Сино «Рисолату тадбири манзил» асарида ёзганидек, «жамиятда кишиларнинг меъриёли яшаши учун ўзаро ҳамкорлик шариоти яратилмоғи лозим, бунинг учун эса ҳокимият аъзоларининг ҳаммаси учун бир хил бўлган оқилона қонун ва суд бўлмоғи лозим». Бу пурҳикмат ақиданинг аҳамияти бутунги кунда ҳам бекинадир. Суд-хуқуқий ислохотининг асосий ўзгариши суд мустақиллиги ташкил этади. Суднинг асосий мақсади ҳолисона муносабат — низоли қонун, адолат асосида ҳал этиш ҳисобланади. Хуқуқий мустақиллик судларнинг фаоллигини ошириш ва сиёсий тузум доирасида ишонч учун муҳим омилдир. Мазкур мустақиллик биринчидан, суд қарорларига нисбатан эҳтиром ва муносиват сифатида белгиланган қарор қабул қилиш мустақиллиги, иккинчидан, суд ҳодимларининг танлови, хизмат погоналаридан кўтарилиши, ижтимоий муҳофаза ва улар фаолиятига мансабдор шахслар аралашувидан холи эркинликни билдирувчи мустақилликни ўз ичига қамаб олади.

Бизга маълумки, ҳар қандай демократик жамиятда «қонун наздида баробар адолат» шiori одил судловнинг асосий принципи ҳисобланади. Суд мустақиллигини таъминлашнинг муҳим

## ХУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

омилларидан бири адолат ва бепарафликдир. Адолат суд томонидан чиқарилган ҳар бир ҳужжатнинг асоси бўлмоғи лозим. Судлар ўз мустақиллигини қатъий ҳимоя қилинишини талаб этиши лозим. Фуқаролик жамиятида қонун устиворлигини таъминлашнинг асосий шартлари ва тарқиқат қонунлари бўлиши керак. Фуқаролик жамиятида демократик ҳуқуқий кадрларнинг таркиби топишида ҳам одил судловни юритушни ташкил этишнинг аҳамияти бекинадир.

Суд ҳокимияти илк мартаба янги Конституцияда давлат ҳокимияти тизимига киритилиб, мустақил ҳокимият сифатида унинг ҳуқуқий макими мустақамлаб берилди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Олий суд ҳокимияти Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик судидан иборат бўлиб, уч тармоқли олий суд ҳокимияти Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши натижасида ташкил топган давлат ҳокимияти тизимига киритилган уч ҳокимиятдан бири ҳисобланади. Асосий Қонунда судларнинг тузилиши ва одил судловни амалга оширишнинг муҳим принциплари ифода этилган. Чунинчи, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди таркибининг сайланиши ҳамда вилоят, шаҳар, туман судлари судьяларининг Президент томонидан тайинланиши; Конституциявий суд ва бошқа суд судьяларининг депутат бўлиб сайлана олмасликлари; судьяларнинг сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлишлари ва ҳақ тўланадиган бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмаслиги; судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунishi; судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашшига йўл қўйилмаслиги, бундай аралашши қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши; судьялар дахлсизлигининг қонун билан қаролатланиши; ҳамма судларда ишларнинг очиқ ҳолда кўрилиши; суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар-

### 1-мақола

хуқуқи билан таъминланиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарқиқат қонунлари» деб номланган асарида қайд этганидек, «хуқуқий ислохотлар борасидаги улкан ва аниқ мақсадга қаратилган куч-ғайратлар натижасида, асосий қонуннинг қондалари негизида республика суд тизими мустақил ва бошқа тармоқларга боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг янги тузилмалари вуҷудга келди. Суднинг ҳуқуқ доираси кенгайди».

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида Президентимиз Ислам Каримов суд-хуқуқий соҳасига дахлдор ислохотларни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб, хўжалик судлари ролини ошириш, иқтисодий ноқор ва маблаг йўқ корхоналарни тугатиш бўйича банкротлик институти ролини қулайтиришга оид вазифаларни белгилаб берди.

Хўжалик судлари фаолиятига оид нормалар энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»-ги Қонун, 1997 йил қабул қилиниб, 1998 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодекси, 1998 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»-ги Қонунларда белгилангандир.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 25 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизimini такомиллаштириш тўғрисида»-ги, 1997 йил 25 фев-

рали хўжалик судининг раиси М.Абдусаломов 1999 йилнинг 24 март куни «Суд ҳокимияти ва матбуот эркинлиги» мавзусида ўтказилган семинарда этироф этганидек, суд ҳокимияти бугун аввалги собиқ совет суд тизимидан фарқли ўларок, сиёсий тизим манфаатларини эмас, балки инсон ҳуқуқ ва эркинликла-

рини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Умумий судлар фуқаро-вий, жиноий ва маъмурий ҳуқуқга асосланадилар. Хўжалик судлари эса иқтисод соҳасидаги низоли-ни ҳал этар экан, инсонларнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий барқарорликдан манфаатдор бўлган мулкдорлар синфининг юзага келиши ва қаддини тиклашга хизмат қилдилар, жамият фаровонлигига ҳаётбахш таъсир кўрсатадилар.

Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти алоҳида аҳамиятга эгадир. Фуқаролик жамиятини шакллантириш фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш доираси тобора кенгайиб, бошқа усул, шу жумладан, маъмурий тартибда муҳофаза қилиш йўллари мумкин қадар кам қўлланилади. Амалдаги қонун ҳужжатларида фуқаролар ҳуқуқини маъмурий тартибда ҳимоя қилиш белгиланган бўлса-да, келгусида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқро ҳуқуқий ҳужжатларга асосан суд йўли билан муҳофаза этишга катта эътибор берилган ҳолда бу борада қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Суд органларининг мустақиллиги 1997 йил 26 август — 6 сентябрда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг VII Конгрессида қабул қилинган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»га асосланмоғи лозим. Мамлакатимизда суд-хуқуқий ислохотларни амалга оширишда ушбу халқро ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари асос қилиб олиниши мақсадга мувофиқ. Ушбу ҳужжат муқаддимма, суд органларининг мустақиллиги, суд ва ассоциация эркинлиги, квалификация, кадрларни танлаш, тайёрлаш, хизмат шarti ва ваколат муҳддати, касб сири ва иммунитет жазолаш, лавозимдан четлатиш ва бўшатишдан иборат бўлган бўлимларни ўз ичига олади.

Ушбу халқро ҳуқуқий ҳужжатга кўра, суд органларининг мустақиллиги давлат томонидан қаролатланади ва Конституция ёки давлат қонунда мустақамлана-

кўриб чиқишга йўл қўйилмайди. Бу принцип тегишли қонун билан амалга ошириладиган суд органлари чиқарган ҳукми судда қайта кўриб чиқишга ёки енгиллаштиришга тўсқинлик қилмайди.

Ҳар бир киши белгиланган юридик чиқарушни қўллайдиган одатдаги суд ёки трибуналда суд муҳокамаси ҳуқуқига эга. Одатдаги суд ва суд органлари ваколатини бажаришни ўзгартириш мақсадида тегишли равишда белгиланган юридик процедуранинг лозим даражада қўлламайдиган трибуналнинг ташкил қилиниши мумкин эмас.

Суд органларининг мустақиллиги суд органлари суд муҳокамасини адолатли юритушни таъминлаш ҳуқуқини ва улардан томонларнинг ҳуқуқларига ривож қилишни талаб қилади. Ҳар бир давлат — аъзо суд органларининг лозим даражада ўзларининг функцияси бажарилиши учун тегишли воситаларни тақдим этишга мажбурдир.

Давлатимизда одил судловни амалга ошириш судьяларнинг мустақиллигига ва улар томонидан суд ҳужжатларини қабул қилишда фақатгина амалда бўлган қонун талабларига, ўзларининг ҳуқуқий онги ва ички ишончига асосланади. Судьялар ҳуқуқий маданиятининг юксак бўлиши адолатли ҳукм чиқаришга катта ёрдам беради. Судьяларнинг мустақиллиги — суд ҳайъати оид бўлган муносабатларда, жиноят ва фуқаролик жаравани қатнашчилари билан бўлган муносабатларда адолатли ҳулоса чиқаришларни таъминлайди. Шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар суднинг, судьяларнинг мустақиллигини ҳурмат қилишлари, унинг мустақиллигини бўзмаслик талабларига ривож этишлари керак. Бу судлар фаолиятининг самардорлигини оширишга ва фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Шухрат РЎЗИНАЗАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси,  
юридик фанлари доктори









